

UZBEK LITERARY CRITICAL GENRES AS A SYSTEM

**Akhmedova Shoira Nematovna,
professor of the faculty of philology,
Bukhara state university**

Annotation. The article analyzes the genres of Uzbek literary criticism. their specific features are detected and defined are the principles of their development.

Key words. literature, criticism, genre, press, literary portrait, literary dialogue, essay.

Адабиётдаги жанрлар каби адабий танқид жанрлари ҳам ўз тузилиши, мақсад ва вазифалари, келиб чиқиши, табиати, шаклланиш ва тараққиёт тамойилларига кўра бир-бирига узвий алоқадорликда муайян маълум ички гурӯхлардан иборат яхлит тизимни ҳосил қиласди. Ўзбек адабий танқиди ўз тараққиёт жараёнида жанрий, композицион, услубий жиҳатдан такомиллашиб, маҳорат даражаси муттасил оша борди. Айниқса, ундаги жанрларнинг ранг-баранглиги адабий танқиднинг шаклан бойиб бораётганини кўрсатади. Шу боис бой ва турли-туман жанрларга эга ўзбек танқидчилиги қўплаб тадқиқотларга материал беради.

Танқиднинг асосий моҳияти бадиий асарга баҳо бериш, унинг адабиёт, адабий жараён ва ёзувчи ижодидаги ўрнини белгилашда намоён бўлади. Уни ўзида ифода этган танқид жанрлари бадиий асарларнинг яратилиши, ёзилиши, нашри, оммалашувига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. Адабий танқид жанрларини белгилайдиган асосий принциплар сифатида:

жанрларнинг анъанавийлиги ёки ўзига хослиги, мазмуннинг ягоналиги яъни эстетик моҳият таҳлилига қаратилганлиги, ифода воситаларидағи умумийликлар ва фарқлар, вазифалар кабиларни кўрсатиш мумкин. Шу мезонларга таяниш орқали ҳодиса моҳияти яққолроқ очилади.

Бадиий ижод тажрибасидан маълумки, адабий жанрларнинг шакл белгилари мазмунга нисбатан жуда секин ўзгарувчандир. В.Г.Белинскийнинг мазмунда нимаики бўлса, шаклда ўз ифодасини топади деган фикрларига таянсак-да, лекин кўп ҳолларда “адабий шаклларнинг мазмунга нисбатан устуворлиги, доимийлиги ва консервативлиги қонунияти ўз кучини кўрсатади”[1,305]. Шу нуқтаи назардан қараганда, адабий танқидда ҳам адабий шакллар доимийдир. Демак, адабий танқид жанрларининг тарихий тараққиёт йўлларини белгилашга киришганда ҳар бир тарихий давр уларнинг мазмун сифатига кўпроқ ўз муҳрини босишини назардан соқит қиласлик керак.

Ўзбек адабиётшунослигида танқид жанрлари табиати, таснифоти ҳақидаги ишлар кам. Шу жиҳатдан қараганда, бошқа халқлар адабиётшунослигида бу масалага эътибор анча олдин бошланганини кўриш мумкин. Рус адабиётшунослигида бу муаммони биринчи бўлиб ўрганган Л.П.Гроссман танқид жанрларининг 17 кўринишини қайд этади [5,13].

М.Я.Поляков, И.В.Попов, Ю.Манн каби адабиётшуослар ҳам адабий танқид жанрларини турли принциплар асосида тасниф қилганлар. Албатта, танқид жанрларининг бошқа турлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, танқидчи идеалига яқинлиги бўйича ёки такриз қилинаётган объект (асар)га симпатия ёинки антипатия руҳидаги танқидчилик жанрлари мавжуд: ижобий такриз, бетараф мақола, ҳажвий такриз, сатирик пародия каби. Бирга олинган бошқа жанрларнинг қандайдир белгилари бўйича қарама-қарши турадиган танқидий подделка (пастиш - ясама танқид) каби жанрлар рус

танқидчилигига мавжуд[5,16]. Аммо буларни жанр дейишиң унчалик түғри эмас. Чунки уларда жанр белгилари аниқ намоён бўлмайди, балки бир ҳодисанинг ички турлари қўшилиб кетганлиги кузатилади. Масалан, ижобий такриз, ҳажвий такриз ва ҳ.к. кабиларда бу ҳолни кўриш мумкин.

В.Баранов, А.Бочаров каби рус олимлари танқид жанрларини гуруҳларга бўлишни, энг аввало, тадқиқот обьекти бўйича асар – муаллиф - жараён йўналишида амалга оширадилар. Шунга мувофиқ адабий танқиднинг такриз, мақола, ижодий портрет каби учта мустаҳкам, кенг тарқалган жанрини ажратиб кўрсатадилар. Уларни жанрлар тизимининг ядроси деб ҳисоблаб, танқиднинг бошқа барча кўринишларини шу жанрлар атрофига гуруҳлаштирадилар[6,12]. Биз ҳам шу тамойил тарафдоримиз, аммо бу усулда сухбат, мактуб каби кўплаб жанрларни қайси гуруҳга киритиш муаммоси пайдо бўладики, шу сабабли танқид жанрларининг хилма-хил ва кенг манзарасини берувчи принципларни излашга тўғри келади.

Қозоқ олими Т.Какишев шаклланиши матбуот билан чамбарчас боғлиқ бўлган қозоқ адабий танқидининг 7 хил жанрини кўрсатади [16,80].

XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихи ўрганилган тадқиқотда ўша давр материалидан келиб чиқиб, шарҳ, такриз, мактуб, мақола, баҳс ва мунозара каби жанрлар ажратиб кўрсатилади[17]. Адабиётшунос Б.Назаров ҳам баъзи жанрлар ҳақида фикр юритса-да, уларнинг муайян бир системали таснифини бермайди[6]. Бундан ўзбек адабий танқидида мавжуд жанрлар бирор бир тамойил асосида тасниф этилмагани кўринади.

Юқорида кўрсатганимиздек, адабий танқид жанрлари ўз тузилиши, мақсад ва вазифалари, келиб чиқиши, табиати, шаклланиш белгилари ва тараққиёт принципларига кўра муайян тизимни ҳосил қилиб, ўз навбатида маълум ички гуруҳларни ташкил этади. Танқид жанрларини шартли равишда икки қисмга – адабий жараённи ёритувчи ҳамда ёзувчининг ҳаёти, ижоди

масалаларини ёритувчи жанрларга ажратиш мумкин. “Аммо мазкур бўлиниш ўта шартли, чунки адабий жараённи ёритувчи “соф” жанрлар бўлмаганидек, фақат ижодкорлар ҳаёти, ижодини очишга хизмат қиладиган жанрлар ҳам йўқ”[19,145]. Ҳакиқатан ҳам, жанрлар қайси шаклда бўлмасин, бевосита адабий жараён билан боғлиқ ҳолда ижодкор ва унинг асари ҳақидаги фикрлардан иборат бўлади. Тўғри, адабий танқид жанрларининг айримлари бадиий асарнинг ёзилиши ва босилиб чиқиши, айримлари эса ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар билан боғлиқ. Аслида танқид жанрларига бошқа жиҳатдан, яъни қандай муаммоларни қамраб олиши ва вазифалари нуқтаи назаридан ёндашилса, тўғрироқ бўлади. Шу жиҳатдан такриз, обзор ва муаммоли мақола, адабий-танқидий мактуб, адабий танқидий сухбат, мунозара, адабий фельветон жанрлари асарнинг мазмун-моҳияти, адабий жараёндаги ўрни, бадиияти каби бир қанча муаммоларни ўрганиб, ҳажми, бадиий асарнинг яратилиши ва унга баҳо бериш нуқтаи назаридан бир майдонга бирлашади. Адабий портрет, портрет-мақола, эссе, танқидий-биографик очерк каби жанрлар эса ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумлаштириб ўрганиши жиҳатидан бирлик ҳосил қиласи. Улар ижодкор биографияси, шахси, муҳити, истеъодининг шаклланиши сингари муаммоларга ойдинлик киритади.

Адабий танқиддаги ҳар бир жанр ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қиласи. Уларни тасниф этишда бу фарқлар эътиборга олиниши лозим. Биринчидан, танқид жанрларини объекти жиҳатидан; вазифаси жиҳатидан; объектга муносабат нуқтаи назаридан ҳам тасниф қилиш мумкин. Масалан, объектга муносабат нуқтаи назаридан: а) самимиyлик, хайрихоҳлик руҳидаги жанрлар: адабий портрет, адабий сухбат, эссе; б) хайрихоҳлик, шу билан бирга, баъзида инкор руҳи мавжуд бўлган жанрлар: такриз, мақола; в) бутунлай инкор руҳидаги жанрлар:

адабий фельетон, очиқ хат, салбий тақриз каби гурухларга бўлиш мумкин.

Кўринадики, барча ижод намуналарида бўлгани каби, адабий танқид асарларининг илмий-бадиий хусусиятлари, вазифалари мавжуд. Шундан келиб чиқиб, адабий танқидда жанр ҳодисаси: а) яхлит тизим тарзида намоён бўлиши; б) маҳсус вазифаларга эгалиги ва ижтимоий-эстетик моҳиятга йўналтирилганлиги; в) муайян адабий ҳодисанинг адабий жараёндаги мавқеини баҳолашига қараб белгиланади.

Ўзбек адабий танқидининг жанрлар тизими: биринчидан, улардаги илмий-эстетик тамоийллар ва мақсадлар умумийлигига; иккинчидан, улардан баъзиларининг тарихан тараққий этган ўзаро муносабатларига; учинчидан, жанрлар тақдиридаги умумийликка(муштаракликларга) боғлиқ ҳолда вужудга келади. Ҳар бир жанр ўзига хос хусусиятга эга бўлишига қарамай, уларда муштараклик ҳам мавжуд. Худди шу умумийлик уларни ягона тизимга бирлаштиради. Адабий танқид жанрларининг ўзаро муносабатлари – ғоят мураккаб жараён. У ўзаро таъсир, бир-бирига мувофиқлашиш ва бир-бирини бойитиш тарзида кечади. Жанрлар алоқаси хилма-хил шаклларга эга. Бу алоқалар адабий танқидда сезиларли ўзгаришларни юзага келтиради. Шу боис жанрларининг ҳар бирини алоҳида ва чуқур ўрганиш уларнинг ўзига хослигини очиб беришга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1979, Т. 2. – 445 с.
2. Ахмедова Ш. Н. ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 6. – №. 3.
3. Ахмедова Ш. Н. ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 12-14.

4. Ахмедова III. Н., Норова Н. О РАЗВИТИИ И ХАРАКТЕРЕ ЖАНРА РЕЦЕНЗИИ //International scientific journal. – 2016. – С. 37.
5. Amonova Z. CONFLICT INTERPRETATION IN CLASSICAL LITERATURE //Конференции. – 2020.
6. Егоров Б. О мастерстве литературной критики (жанры, композиция и стиль). Л.: Сов. писатель, 1980. – С. 317.
7. Барапов В.И., Бочаров А.Г., Суровцев Ю.И. Литературно-художественная критика. Учебное пособие. – М.: Высш. школа, 1982. – 207 с.
8. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9).
9. Shohsanam D. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2016. – Т. 4. – №. 5. – С. 33-34.
10. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
11. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.
12. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
13. Ramazonovich L. H. Love and enlightenment-a common concept //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 334-341.
14. Rajabova M. B., Akhrorova Z. R. UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 219-223.
15. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
16. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – Т. 4. – С. 170-174.
17. Какишев Т. Целенаправленность критики / Писатель и время. Кн.1., – Алма-ата, 1973. – С. 128-132.
18. Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол.фналари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1993. – 159 б.

19. Назаров Б.Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топиши ва тараққий этиши. Филол.фнал. доктори ... дис. Тошкент, 1983. – 256 б.
20. Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 168 б.
21. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – T. 5. – №. 2. – C. 32-35.
22. Kadirova N. S. CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – C. 428-433.